

## ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ БИЛИМЛАРНИНГ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Эронов Самарбек Қурбонназарович  
(ТошДТУ Олмалиқ филиали катта ўқитувчиси)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада замонавий илмий билимларнинг XXI аср ёшлари дунёқарашини юксалтиришдаги аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Мақолада муаллиф ишонч ва ишончсизлик билан боғлиқ муаммолари жамият, фан ва фалсафада долзарб мавзулардан бири эканлиги, ҳамда жамиятнинг тараққий йўлида ривожланишида мухим омил бўлишини кўрсатиб берган.

**Калит сўзлар:** Ижтимоий-маданий ҳодиса, ижтимоий- психологияк ҳодиса, глобал муоммолар, ишонч, ишонч маданияти, ишонч қадриятлари, ишонч обьекти, ишонч феномени, ишонч динамикаси.

### АННОТАЦИЯ

В статье раскрыты особенности и значение современных научных знаний в развитии мировоззрения молодежи XXI века. Автором проанализированы социальные проблемы, связанные с верой и безверием, показана актуальность этих вопросов в философии, науке и обществе, а также важность их в качестве фактора социального прогресса.

**Ключевые слова:** Социально-культурное явление, социально-психологическое явление, глобальные проблемы, вера, культура веры, ценности веры, объект веры, феномен веры, динамика веры.

### ABSTRACT

The article reveals the features and significance of modern scientific knowledge in the development of the worldview of young people of the XXI st century. The author analyzes social problems related to faith and unbelief, shows the relevance of these issues in philosophy, science and society, as well as their importance as a factor of social progress.

**Keywords:** Socio-cultural phenomenon, socio-psychological phenomenon, global problems, faith, culture of faith, values of faith, object of faith, phenomenon of faith, dynamics of faith.

Ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида ишончни тадқиқ қилиш учун фанлараро ёндошув энг катта салоҳиятга эга, бунда ишонч ҳодисасини тадқиқ қилишнинг ижтимоий-фалсафий тажрибаси ижтимоий-психологик ҳодиса сифатидаги ишончнинг назарий-услубий ва амалий ишланмалари иқтисод ва бошқарув фанларининг ютуқлари билан бойийди. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари ва даражаларининг ўзаро бир биридан келиб чиқиши ижтимоий-маданий, рисқологик, глобал ва ижтимоий ёндошувлар салоҳиятидан фойдаланган ҳолда замонавий жамиятдаги ишонч ҳодисаси тўғрисидаги муносиб, воқеликни ялпи акс эттирадиган билимга эга бўлиш учун айнан фанлараро ёндошувга бўлган эҳтиёжни вужудга келтиради. Шунингдек, жамият ҳаётининг мураккаблашуви, унинг ривожланиши суръатининг жадаллашуви, ахборот-коммуникацион технологиялар ва муносабатлар маконидаги инқилоблар ижтимоий тараққиёт парадигмасининг ва олам тасвирининг ўзгаришига сабаб бўлди, бу оламда мавҳумлик, бекарорлик ва хатарлилик ижтимоий тараққиёт воқелиги қиёфасига айланди ҳамда инсоният хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

Глобал муаммолар манбалари замонавий инсоният ривожланишидаги танланган йўлнинг техноген тусга эгалигида илдиз отган бўлиб, инсоният технологик жараён ва инсоннинг Ерда яшаш қулайликларини такомиллаштириш ортидан қувган ҳолда кундан кунга табиатдан, шу жумладан ўзининг инсоний табиатидан узоқлашиб бормоқда. Бу замонавий жамиятда асл инсоний фазилатлар – инсонпарварлик, раҳм-шафқат, меҳрибонлик, маънавият, ҳамдардлик ва ишонч тақчиллигида ифодаланмоқда. Айнан шу нарсалар замонавий тамаддун маънавий инқирози ижтимоий ҳамда шахсий ҳаёт хавфсизлигига ижтимоий хатарлар ва таҳдидлар авж олишининг сабабига айланди. Айни шундай мураккаб шароитда ишонч маданияти қарор топган хавфсизлик маданиятини шакллантириш асосидагина ижтимоий алоқалар ва муносабатлар, ҳаракатлар ва фикрлар, қадриятлар ва муносабатларнинг қўпқирралигини қамраб олувчи ижтимоий хавфсизликни таъминлашга эришиш мумкин. Шунингдек, хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан ишонч маданияти дейилганда биз шахсий ва ижтимоий алоқалар, ўзаро ҳаракатлар ва ижтимоий қадриятлар тизимидағи ишонч қадриятлари ва ишонарли муносабатларни, шунингдек, инсон, ижтимоий груп, жамият, давлат ва умуман инсоният ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг зарурий шарти сифатидаги ишонарли муносабатларни шакллантириш муаммоси муҳимлигини англаш даражасини тушунишимиз тўғри бўлади.

Жамият ривожланишининг муҳим хусусияти ва тенденцияларини, унинг жипслиги ва зиддиятлиги даражасини акс эттирувчи ишонч, ижтимоий-

иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий муносабатлар соҳасидаги ижтимоий ривожланишнинг устивор тенденцияларига мос тарзда ўзгарувчи динамик категориядир. Замонавий жамиятдаги ушбу тенденциялар ижтимоий адолатнинг буткул бошқача тамойилларига асосланган жамиятни ижтимоий маданий номақбул оламларга парчалаб ташлаган ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий тартибни шакллантиришнинг бутунлай бошқача тамойилларига ўтиши билан белгиланади, бу ишонч салоҳиятини ва бунинг оқибатида жипслик йўқотган турли давлатлар учун қулфатга айланди. Маънавий постулатларнинг мутлақлигига, маънавий меъёрларнинг ҳақиқийлигига, баъзи халқларнинг ўзгарган маънавиятини тиклашга ишонч йўқ бир шароитда, халқнинг ўзига ва “инсон-жамият-давлат” муносабатлари тизимиға ишончини тиклашга агар ёшлиарнинг ишончга асосланган дунёқарашида ҳар қандай ижтимоий маданий тизимиға жойланган тарихий хотирага айланган тикланиш ва қайта яралиш салоҳияти сақланиб қолган бўлсагина умид қилиш мумкин.

Инсоният мана неchanчи бор ўзини ҳароб қилиш ва ўзини йўқ қилиш натижасида ўзининг буткул ҳалокатига яқинлашиб бормоқда. Бунинг сабаблари кўп, шу боис ҳар бир файласуф олим бу борада ўз нуқтаи назарини асослаб беришга ҳақлидир. Шу боисдан ҳам мазкур мақолада биз инсоний нафрат, тажовузкорлик, шафқатсизлик билан тўлиб тошган бугунги оламда хавфсизликка таҳдиднинг асосий манбаи сифатидаги ишонч тақчиллиги муаммосини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу ўринда Г.М.Заболотнаянинг, “Нафақат шахслараро балки умуман барча ижтимоий муносабатларнинг белгиловчи хусусиятнинг энг муҳим омилларидан бири ишончdir. У жамиятнинг бирлашуви ва барқарорлигини таъминловчи механизмга бевосита “жойлаштирилгандир”<sup>1</sup> деган фикрини келтириб ўтишни жоиз деб топдик. Нафақат ижтимоий ҳаёт, балки техник тараққиёт билан ёнма ён издан чиқа бошлаган табиат билан ўйғун муносабатлар ҳам инсон нафсининг курбонига айланмоқда. Яъни хавфсизлик муаммоси бугунги кунда глобал тусга кирди ва эндиликда нафақат инсониятни, балки унинг яшashi ва ҳаёт фаолияти муҳитини сақлаб қолиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Замонавий жамият олдингиларидан тубдан фарқ қиласди. Чунки бугунги кун инсони илгари маълум бўлмаган коммуникация ва ахборот воситалари билан қуролланган ҳолда илмий-техник тараққиёт доираларида анча илгарила бетди, бу эса юксак ижтимоий-маданий жадаллашув ва дунё маконининг

<sup>1</sup> Заболотная Г.М. Феномен доверия и его социальные функции // Вестник РУДН, серия Социология, 2003, № 1 (4)

глобаллашувининг ҳосиласидир. Аммо инсониятнинг фан ва илмдаги улкан ютуқлари қадимий тамаддуналарга ўзини оламнинг бир қисми деб ҳис этган ҳамда унга инсонни “олам гултожи” сифатида қарама-қарши қўймаган ҳолда ташқи олам билан уйғунликда яшашга имкон берган ўша ижтимоий дунёқарааш ва билимни буюк йўқотиш жараёнлари билан бирга кечмоқда.

Бугунги кунда Брюс Липтоннинг фикрига кўра, куррамизнинг ягона нафас оловчи вужуди ҳалокатли фаолияти она заминни навбатдаги оғат ёқасига олиб бориб қўйган инсонларнинг очқўзлиги, жоҳиллиги ва узоқни кўра олмаслигидан ҳимоялашга муҳтож бўлиб қолмоқда<sup>1</sup>. Бугунги жамият қўлдан кетган дунёқарааш ва унинг асосида турувчи эзгулик,adolat, инсоннинг табиат ва ўз ижтимоий олами билан уйғунликда инсоний тамаддуннинг гуллаб-яшнаши манбай сифатидаги ишонч феноменини қарор топтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Кўрсатиб ўтилган муаммони ижтимоий ўта долзарблиги ва аҳамиятини илмий асослаш ва ўрганишда ишонч феноменининг ижтимоий-маданий моҳияти, унинг ижтимоий қиймати ва унинг бугунги оламдаги вазифалари тўғисида ялпи билимга эга бўлишга имкон берадиган ижтимоий-фалсафий таҳлилига алоҳида эътибор қаратиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ишонч ижтимоий-маданий, ижтимоий ва фалсафий билим доираларида ўзининг анчагина чукур илмий асосларига эга бўлсада ҳали ҳануз илмий категория сифатида ялпи ижтимоий-фалсафий нуқтаи-назардан чукур ўрганилмаган. Ишонч ҳодисаси ҳамда унинг ижтимоий-маданий келиб чиқиши таҳлили энг тўлиқ тақдим этилган ижтимоий фалсафий ишлар жумласидан энг аввало А. Селигмен, Ф. Фукуяма, Г.М. Заболотная ишларини келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, А. Селигмен томонидан замона маҳсули сифатидаги ишонч ҳодисасининг тадрижий йўланилиши тақдим этилган концепция эътиборга моликдир. Селигменнинг асосий фикри - ишончнинг шартсиз бўлиши лозимлигидир, мазкур тушунча остида у бунга бошқа томон – ишонч обьекти қандай муносабатда бўлишидан келиб чиқмаслигини тушунади. Акс ҳолда, агар ишонч унинг обьекти билан муносабатларнинг ўзаролиги даражасига боғлиқ бўлса гап ишонч ҳақида эмас балки ишониш ҳақида борган бўлур эди<sup>2</sup>.

Ишонч ҳодисасини ўрганишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари М.Вебер, Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, Р.Дарендорф, П.Штомпка, Ф.Фукуяма ва бошқа шу сингари олимларнинг ишларида батафсил тадқиқ қилинган. Шунингдек, МДҲ доирасида Шафранов-Куцев Г.Ф., Давыденко В.А., М.Г. Магомедов, В.М.

<sup>1</sup> Липтон Б. Биология веры: Недостающее звено между Жизнью и Сознанием. М.: ООО Издательство «София», 2008. С. 222.

<sup>2</sup> Селигмен А. Проблема доверия. М.: Идея-Пресс, 2002

Сергеев, А.С. Кузьмин, В.Д. Нечаев сингари олимлар ҳам ижтимоий ишонч назариясини ишлаб чиқишига сезиларли ҳисса қўшганлар<sup>1</sup>.

Ишонч феноменини тадқиқ қилишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ўта кенгдир. Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўладики, аксарият файласуф олимлар томонидан ижтимоий ишонч жамиятдаги ижтимоий тартиб, унинг ижтимоий ва институционал тизимининг, унинг ташкилотлари жараёнлари ва тузилмалари барқарорлигини таъминловчи муҳим маънавий-ахлоқий омил сифатида талқин қилинади.

Ишонч ҳодисаси ижтимоий сармоя назариясида марказий категория сифатида намоён бўлади, чунки айнан ижтимоий ишонч ижтимоий сармоянинг энг муҳим заҳираси ҳисобланади. Бу йўналишда ҳам хорижий, ҳам МДҲ олимлари томонидан жиддий ишланмалар олиб борилмоқда. Булар орасидан қўйидагилар: Ф. Фукуяма, П.М. Козырева, В.Ю. Столляр, В.А. Макеевларни алоҳида келтириб ўтиш ўринли бўлади<sup>2</sup>. Ижтимоий ишонч ва унинг ижтимоий қиймати аксарият файласуф олимлар томонидан ҳар қандай давлатнинг инвестиция қўйиш ва аҳолининг ҳаёт сифатини юксалтириш ва ҳимояланганлик ҳиссини барқарорлаштириш ва кучайтириш учун қўллайдиган аҳамиятли иқтисодий восита (актив) сифатида ҳам талқин қилинади. Шу аснода В.А. Макеев, ишонч нафақат иқтисодий, балки маънавий заҳира ҳам бўлиб, у ишлатилишига қараб ортиши, агар ундан фойдаланилмай қўйилса йўқолиб кэтиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Аксарият тадқиқотларда ишонч муаммоси қўпинча таваккалчиликка асосланган концепция доирасида ўрганилади. Замонавий оламнинг хатарга тўлалиги ва ижтимоий хатарларнинг кўпайишга мойиллиги ижтимоий мавхумлик ўсиб бораётган шароитларда жамият ва инсон хавфсизлиги даражаси ва ҳиссини кучайтириш механизми сифатида ишончнинг аҳамияти янада ошмоқда. Шу боисдан ҳам Э. Гидденс, А. Селигмен, Н. Луман, У. Бекнинг ишларида ишонч ва хатарнинг ўзаро боғлиқлиги муаммосининг чукур ёритилганлигини кўриш мумкин<sup>3</sup>. У.Бек “хатар жамияти” концепциясининг муаллифи бўлган ҳолда ижтимоий жамиятдаги хатарлар ўсишини жамиятдаги ишонч йўқолиши билан боғлайди, чунки у олам илгари ҳам хатарли бўлган, бироқ ижтимоий тараққиётнинг мавхумлиги билан боғлиқ бўлган хатарни ҳисқилиш илгари бўлмаган деб ҳисоблайди.

<sup>1</sup> Алёшин С.В. Доверие как социокультурный феномен: монография. - Ростов-на-Дону : [б. и.] ; Таганрог : Изд-во Южного федерального ун-та, 2017. - 100 с.

<sup>2</sup> Алёшин С.В. Доверие как социокультурный феномен : диссертация ... кандидата философских наук:. - Таганрог, 2012. - 148 с.

<sup>3</sup> Тишкова Н.Ю. Доверие как феномен жизненного мира : диссертация ... кандидата философских наук. - Владивосток, 2002. - 167 с.

Ишонч ҳодисаси жамият ва ижтиомий муносабатлар ривожланишининг тарихий ўзига хослигини акс эттирувчи ўзининг назарий муроҳазадан ўтказилиши ва ўрганилиши тарихига эга. Шахс ва умуман инсоний ҳамжамият хавфсизлигига таҳдид солаётган, парчаланиш ва хатарли жараёнларга тортилаётган замонавий жамиятда ишончнинг кескин тақчиллиги ижтиомий тараққиётнинг юксак шиддати шароитларида ишонч ҳодисаси ва унинг ўзига хослиги тўғрисида ялпи билим олишга эҳтиёжни шакллантирмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда, ишонч энг аввало, фалсафий ва социологик билим чэгарасида кўриб чиқилиши зарур, чунки ишонч катергориясини социологик ўрганиш замонавий жамиятдаги мазкур категорияни жамиятдаги ижтиомий ишонч динамикасининг назарий ва эмпирик муроҳазадан ўтказишнинг айнан шу даражада фалсафий муроҳазадан ўтказиш зарурати мавжуд. Ижтиомий-фалсафий таҳлил нуқтаи назаридан биз ишончни ижтиомий тараққиётнинг муайян тарихий шароитларидағи ижтиомий муносабатларнинг турли ҳодисалари ва объектларига ишончнинг намоён бўлишидаги инсоният ва алоҳида инсонларнинг эзгу иродасини акс эттирувчи ижтиомий маданий ҳодиса сифатидан кўриб чиқиши тавсия қиласиз.

Хулоса қилиб айтганда, ишонч ва ишончсизлик муаммолари фан ва фалсафада муаммоларни ҳал қилишда янгиликларни ва янги ғояларни илгари суришни таъминлаган ҳолда ижобий омил ролини ўйнайди. Тадқиқот ишонч ва ишончсизлик маданий тажрибани етказиши шаклларини яратишнинг универсал психологик-экзистенциал усуллари бўлиб хизмат қиласи. Сўнгги ярим аср давомида, ижтиомий мутафаккирлар файласуфларнинг янги юз йилликнинг тасаввур қилинаётган воқелигига муносабати бу воқелик яқинлашаётганига қараб ўзгариб борди. XXI аср томон қўйилган ҳар бир қадам билан инсоният ҳаётида юз бераётган ўзгаришларнинг ижобий жиҳатларига камроқ, замонавий тамаддуннинг моддий ютуқлари кўпайиб бораётган тезликда юксалиб бораётган ижтиомий, сиёсий ва маънавий муаммоларга эса кўпроқ эътибор қаратиладиган бўлди. Фалсафий тадқиқотлар билан бир қаторда ишонч мавзуси ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Мунтазам ўсиб бораётган мавхумлик жамиятида ушбу мавзуу муайян маънода унинг қиёфасини белгилайдиган долзарб мавзуга айланиб бормоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1. Заболотная Г.М. Феномен доверия и его социальные функции // Вестник РУДН, серия Социология, 2003, № 1 (4)
2. Липтон Б. Биология веры: Недостающее звено между Жизнью и Сознанием. М.: ООО Издательство «София», 2008. С. 222.

3. Селигмен А. Проблема доверия. М.: Идея-Пресс, 2002
4. Алёшин С.В. Доверие как социокультурный феномен: монография. - Ростов-на-Дону : [б. и.] ; Таганрог : Изд-во Южного федерального ун-та, 2017. - 100 с.
5. Алёшин С.В. Доверие как социокультурный феномен : диссертация ... кандидата философских наук: - Таганрог, 2012. - 148 с.
6. Тишкова Н.Ю. Доверие как феномен жизненного мира : диссертация ... кандидата философских наук. - Владивосток, 2002. - 167 с.
7. Серебрякова Е.А. Уверенность в себе и условия ее формирования у школьников: Дис. .канд. психол. наук. М.; МГУ, 1955. - С. 56
8. Зобков В.А. Уверенность человека в себе в ситуациях принятия решения. Педагогика. Психология. Социокинетика № 2. Вестник КГУ 2018. –С.45-46.
9. Ан-Найим. Арабча-ўзбекча луғат. –Тошкент: 2003. 552-бет
10. Тафаккур гулшани: Ватанимиз ва хорижий муаллифларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари / Вл. Воронцов композицияси; Ш. Абдураззоқова тарж. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. –Б. 126.
11. Eronov Samarbek Kurbonnazarovich THE SCIENTIFIC AND PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPTS OF CONFIDENCE AND FAITH. НАУКА, ИННОВАЦИИ, ОБРАЗОВАНИЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ XXI ВЕКА: 30 августа 2023 год, 126-128-С.